

УДК 373.21

Панжиев Нурбек Ниёзмухаммедович

Ўзбекистон Республикаси

Банк-молия академияси

магистранти

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ДАВЛАТ-ХУСУСИЙ
ШЕРИКЛИК ЛОЙИҲАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ
ХОРИЖИЙ ЮҚОРИ САМАРАДОР ЛОЙИҲАЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим соҳасидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг хориждаги самарали моделлари таҳлил қилинган. Мақоланинг асосий мақсади – хорижий мамлакатлардаги давлат-хусусий шериклик тажрибалари асосида Ўзбекистон учун мос келадиган тавсияларни ишлаб чиқиш. Тадқиқотда қиёсий таҳлил ва кейс-стади усуллари қўлланилиб, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигининг мактабгача таълимни ривожлантиришига таъсири ўрганилган. Натижаларга кўра, бундай шериклик мактабгача таълим сифатини ошириш ва инновацион ёндашувларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Калит сўзлар: давлат-хусусий шериклик, мактабгача таълим, хорижий тажриба, инновация, молиялаштириш, таълим сифатини яхшилаш.

Panjiev Nurbek Niyozmuhammedovich

Republic of Uzbekistan

Academy of banking and finance

graduate student

**SOCIO-ECONOMIC SIGNIFICANCE OF PUBLIC-PRIVATE
PARTNERSHIP PROJECTS IN THE FIELD OF SCHOOL EDUCATION**

Abstract: This article analyzes effective models of public-private partnership projects in the field of preschool education abroad. The main goal of the article is to develop suitable recommendations for Uzbekistan based on the experiences of public-private partnerships in foreign countries. Comparative analysis and case study methods were used in the research, and the impact of public and private sector cooperation on the development of preschool education was studied. According to the results, such partnerships are important in improving the quality of preschool education and introducing innovative approaches.

Key words: public-private partnership, preschool education, foreign experience, innovation, financing, improving the quality of education.

Мактабгача таълим, таълим тизимининг асосий бўғини сифатида, инсон капиталини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорлик мактабгача таълимнинг сифатини ва қамровини оширишга имкон беради. Давлат-хусусий шериклик орқали таълим соҳасида давлат ресурсларини тежаш ва хусусий секторнинг инновацион имкониятларидан фойдаланиш имконияти яратилади. Бундай моделлар хорижий мамлакатларда, айниқса ривожланган давлатларда муваффақиятли татбиқ қилинган.

Ўзбекистонда мактабгача таълим соҳасида ислохотлар амалга оширилмоқда ва бу жараёнда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг ўрни муҳим. Хорижий давлатлардаги тажрибаларни ўрганиш орқали самарали моделларни ўрнатиш ва Ўзбекистон шароитида уларни қўллаш мумкин бўлган йўналишларни аниқлаш мақсад қилинган. Мазкур мақола айнан шу соҳадаги хорижий тажрибаларни таҳлил қилишга бағишланган.

Тадқиқотда асосий урғу хорижий давлатларда мактабгача таълим соҳасида амалга оширилган давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўрганишга қаратилди. Турли мамлакатлардаги давлат-хусусий шериклик (ДХШ) моделлари ўзаро таққосланиб, уларнинг самарадорлик жиҳатлари

баҳоланди. Тадқиқот доирасида Англия, Канада ва Сингапурдаги муваффақиятли ДХШ лойиҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу давлатларда мактабгача таълим соҳасида амалга оширилган шерикликлар молиялаштириш, инновацияларни жорий қилиш ва таълим сифатини яхшилашга қаратилганлиги кўрсатилди.

Хорижий давлатларда амалга оширилган аниқ давлат-хусусий шериклик лойиҳалари мисолида уларнинг ижтимоий ва иқтисодий таъсири ўрганилди. Жумладан, Сингапурдаги "Early Childhood Development Agency" (ECDA) ва Канададаги "Ontario Early Years Centres" ҳамда "Quebec Childcare Model" лойиҳалари таҳлил қилинди. Ҳар бир лойиҳа бўйича давлатнинг молиявий қўллаб-қувватлаши ва хусусий сектор томонидан инновациялар жорий қилиниши ўрганилди.

ЮНЕСКО, Жаҳон банки ва OECD каби халқаро ташкилотлар томонидан чиқарилган ҳисоботлар асосида контент таҳлили амалга оширилди. Таҳлил жараёнида мазкур ташкилотларнинг мактабгача таълим ва ДХШ лойиҳалари бўйича берган тавсиялари ва олиб борган илмий изланишлари асос сифатида олинди.

Тадқиқот давомида қуйидаги муҳим натижалар аниқланди:

1. Англия: Англияда мактабгача таълимни ривожлантириш учун давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шериклик алоҳида эътиборда. Бу мамлакатда давлат молиявий қўллаб-қувватлашни асосан инфратузилмани яхшилашга ва кадрлар тайёрлашга йўналтирган. Хусусий сектор эса таълим дастурлари ва инновацион ёндашувларни жорий қилган. Бунинг натижасида мактабгача таълим муассасалари сифат ва қамров жиҳатидан юқори даражага кўтарилган.

2. Канада: Канадада мактабгача таълим учун "Ontario Early Years Centres" модели кенг тарқалган. Бу лойиҳа асосида давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш орқали мактабгача таълим муассасалари очилган бўлса, хусусий сектор таълим жараёнини ташкил қилишда инновацияларни

жорий қилиш ва ёш болалар учун мослаштирилган дастурлар ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Шунингдек, Канаданинг Квебек провинциясида давлат ва хусусий сектор шерикчилиги асосида барпо этилган мактабгача таълим тизими "Quebec Childcare Model" деб номланади. Ушбу моделда хусусий мактабгача таълим муассасалари давлат томонидан субсидиялар олиб, хизмат нархини камайтиришга эришишади. Шу билан бирга, давлат таълим дастурларини яратиш ва сифатини назорат қилишни ўз зиммасига олади. Бу модел кўпроқ болаларни таълим билан қамраб олишни таъминлади ва оилаларга юк бўлган таълим харажатларини сезиларли даражада пасайтирган. Мактабгача таълимдаги бу янги ёндашув ишчи кучи даражасини ошириш ва оилаларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилашга ҳисса қўшган.

3. Сингапур: Сингапурнинг "Early Childhood Development Agency" (ECDA) давлат-хусусий шериклик лойиҳаси мактабгача таълим тизимини бутунлай янгилашга қаратилган. ECDA мактабгача таълимни назорат қилади ва ДХШ орқали хусусий таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади. Ҳукумат ўз томонидан хусусий секторга субсидия ва грантлар ажратади, шунингдек, тарбиячиларни тайёрлашга ёрдам беради. Давлат мактабгача таълим муассасаларини қуриш ва уларни технологик жиҳатдан таъминлаш учун катта инвестиция киритган. Хусусий сектор эса ўқув материаллари, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва ўқув жараёнларига инновацияларни жорий қилишда муҳим роль ўйнаган. Бу усул орқали аҳолининг барча қатламлари учун таълимга тенг имкониятлар яратилган. Кўпроқ оилалар давлат томонидан молиялаштирилган мактабгача таълимдан фойдалана олиши билан ижтимоий самарадорлик юзага чиқарилган. Шунингдек, хусусий сектор иштирокида мактабгача таълим сифатли ва самарали бўлиши билан бирга янги иш ўринлари яратиш ва таълим даражасини оширишга ёрдам берган.

Ушбу хорижий тажрибалар Ўзбекистон учун муҳим хулосалар бериш имконини яратади. Давлат-хусусий шерикликни тўғри ташкил этиш орқали таълим сифатини яхшилаш мумкинлиги хорижий тажрибаларда амалий тасдиғини топган.

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

- Давлат-хусусий шериклик мактабгача таълим сифатини яхшилашнинг самарали механизми бўлиб, унинг асосий афзаллиги давлатнинг ресурслари билан хусусий секторнинг инновацион имкониятларини бирлаштиришдир. Бунда давлат молиялаштириш ва инфратузилмага масъул бўлса, хусусий сектор таълим жараёнларини янгилаш ва болаларга мос дастурлар ишлаб чиқишда фаол қатнашади.
- Хорижий давлатлардаги муваффақиятли тажрибалар асосида, Ўзбекистонда ҳам мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун қатор ҳуқуқий ва иқтисодий чоралар кўриш зарур. Бунда давлат томонидан қўллаб-қувватловчи сиёсатлар ишлаб чиқилиши ва хусусий секторнинг инновацияларга оид таклифлари қўллаб-қувватланиши лозим.
- Тадқиқот натижалари Ўзбекистон шароитида давлат-хусусий шерикликни татбиқ этишда муҳим ёрдам беради. Бунда инфратузилмани яхшилаш, болаларга мослаштирилган таълим дастурларини жорий қилиш ва кадрлар малакасини ошириш асосий йўналиш бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. OECD (2020). Early Childhood Education and Care Policy Review. Paris: OECD Publishing. (45-67 pages)
2. UNESCO (2019). Public-Private Partnerships in Early Childhood Education. Paris: UNESCO. (12-35 pages)
3. World Bank (2021). Innovative Financing for Education in Developing Countries. Washington, D.C.: World Bank Publications. (88-102 pages)